



қўнғироғининг электр схемасини тузиш ва уни монтаж қилиш ишлари ўқувчиларга тушунтирилади ва амалий ишлар бажарилади. Бунда аввал электр қўнғироғининг тузилиши ва ишлаш принципини ўрганиш зарур (8-расм). Электр қўнғироғининг асосий қисми электромагнит 1 дир. Электромагнит чўлғамларидан ўтаётган электр токи ўзакни магнитлайди. У эса контакт 4 билан боёк 3 ни ўзига тортади; боёк қўнғироқнинг косачаси 2 га урилади. Айти вақтда контакт 4 контакт 5 дан узоқлашади ва электр токи занжирини узиб қўяди. Шу тўғрисида ўзак 6 магнитсизланади ва контакт 4 ни қўйиб юборади. 4 ва 5 контактлари туташади ва 8-расмда ҳаммаси такрорланади. Шу тариқа



8-расм

магнитланиш ва магнитсизланиш тез-тез содир бўлади ва боёкнинг косачага тез-тез урилиши қўнғироқ садосини ҳосил қилади.

Электр қўнғироқ ўзининг конструкциясига боғлиқ ҳолда чўнтак фонарининг батареясида ҳам, электр тармоғидан ҳам ишлаши мумкин. 9-расмда ток манбаи гальваник элемент бўлса, электр қўнғироғи тармоққа қандай уланиши кўрсатилган.



9-расм

Электр қўнғироғининг симлари қуйидаги тартибда монтаж

қилинади:

1. Ёғоч шчитда симларни ўтказиш йўллари белгиланади.
2. Кнопка ва қўнғироқнинг ўринлари, симларни ёки роликларни маҳкамлаш учун қоқиладиган чангақларнинг ўринлари белгилаб чиқилади.
3. Қўнғироқ ва кнопка ўрнатилади.
4. Симларнинг учлари кнопкага ўрнатилади ва кнопкадан қўнғироққа сим ўтказилади.
5. Шнурнинг учлари қўнғироқ ва кнопкадан чиқарилган симларга уланади.
6. Сим қандай монтаж қилингани текширилади ҳамда қўнғироқнинг бенуқсон ишлаши учун боёкнинг ҳолати ростланади.

Бу ишларни амалга оширишда хавфсизлик қоидаларига амал қилиш керак. Бунда электромагнит реле ва электр қўнғироқнинг электр занжирини монтаж қилишда олдинги машғулотлардаги каби электр хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш лозим. Ток манбаидан, айниқса, электр занжиридан изоляциялаш ишларида, шу объектларни ишлатиб кўришда тўғри фойдаланишга, шунингдек, одатдаги электромонтаж асбобларини тўғри қўллашга жиддий эътибор бериш лозим.


В. Ўқитувчи ўқувчиларнинг кўз ўнгида олдиндан ҳозирлаб қўйилган электр қўнғироғини қисмларга ажратади, бу қисмларнинг номини ва вазифасини айтади. Сўнгра қўнғироқ қисмлари қайтадан йиғилади ва ишлаши синаб кўрилади. Мазкур ишни ўқувчилар мустақил ҳолда такрорлаб, электр қўнғироғининг тузилишини ўрганади ва ишлаш принципи билан яқиндан танишадилар.

III. Яқунлаш. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидаги савол ва топшириқлардан фойдаланилади:

1. Электр қўнғироғи қаерларда ва нима мақсадларда ишлатилади?
2. Электр қўнғироғининг тузилишини тушунтириб беринг.
3. Электр қўнғироқнинг ишлаш принципи ҳамда унинг электр занжирини монтаж қилиш тартибини тушунтириб беринг.
4. Электр қўнғироқнинг электр схемасини чизиб беринг.


Дарс якунида ўқитувчи ўқувчиларнинг бажарган ишлари ва берган жавобларига қараб баҳо қўяди, уларнинг ютуқлари ва камчиликларини кўрсатади, камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида гапириб беради. Уйга вазифа қилиб электр қўнғироқларининг турлари ва уларни ишлатилиш соҳалари ҳақида маълумот тўплаб келиш топширилади.

Шу билан дарс яқунланади. Навбатчи ўқувчилар хонани тартибга келтиради.



ГАЗЛАМАШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

7-СИНФДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ЭЛЕКТРОТЕХНИК ИШЛАРНИ ЎРГАНИШ



ГАЗЛАМАШУНОСЛИК ДАРСЛАРИДА ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

И.КАРИМОВ - Қўқон ДПИ доценти, пед.ф.н.

Мустақиллик йилларида Республикамизда миллий қадриятларимизнинг ривожланиши учун мисли кўрилмаган даражада кенг имкониятлар очилди. Шу сабабли ўқувчиларга ип йиғириш технологиясига оид маълумотларни беришда тарихий материаллардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Масалан газламашуносликка оид машғулотларда ўқувчиларга ип йиғириш технологияси, ип йиғириш технологиясининг дастлабки жараёнлари, пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари ҳақидаги ва бошқа шу каби маълумотларни бериш ўринлидир.

Маълумки, халқ хунармандчилиги халқимизнинг асрлар давомида тўпланиб келган амалий тажрибалари натижасида юзага келган. XVI асрда аҳолининг катта қисмини халқ хунармандчилиги вакиллари ташкил қилган. Улар асосан уйда, уста ва шогирдлари иштирокида оддий пахта ўсимлиги маҳсулоти – толаларидан ип йиғирганлар. Ип йиғириш дастлаб қўлда – урчуқлар ёрдамида, кейинчалик эса ип йиғириш дастгоҳлари ёрдамида амалга оширилган. XVIII аср ўрталарида қатор давлатларда оғирлик усули орқали ипларнинг ингичкалиги аниқланган. Натижада “Метрик номер” деган ибора ва кўрсаткич вужудга келган. 1750 йилда Италиянинг Тайрин шаҳрида дунё бўйича биринчи марта табиий ипакнинг намлигини аниқлайдиган “Конденцион” лабораторияси ташкил этилган. Кейинчалик бундай лабораториялар бошқа давлатларда ҳам ташкил этила бошлаган.


Ип йиғирув технологияси бир қанча жараёнларни ўз ичига олади. Дастлаб ҳом-ашё – пахта МТ-14 маркали дастгоҳларда тозаланиб, аралашма ҳолатига келтирилади, сўнгра ЧММ-тараш дастгоҳларига юборилади ва тасма ҳолатига келтирилади. Тасмалар яна махсус (ровничний) дастгоҳларда ўралиб, ип йиғирув дастгоҳларига юборилади. Ип йиғириш соҳаси халқ хунармандчилигида муҳим ўрин эгаллаб келган. Йиғирилган иплардан кўпгина соҳаларда, масалан, тўқимачилиқда, гилам тўқишда, кийим-кечак ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилган. Ўзбекистонда ип йиғирув соҳасининг ривожланишида катта хисса қўшган олимлардан: академиклар М.А.Хожинова, Х.У.Усмонов, М.А.Асқаров, профессорлар М.Х.Холматов, В.В.Яковлев, Г.И.Болдинский ва бошқаларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Академик М.А.Хожинова чигитли пахтани териш, дастлабки ишлаш ва толалардан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида механик зарбалар таъсирида ҳосил бўладиган шикастланишларни чуқур ўрганди ва ҳисоблаш тенгламаларини яратди. Академик Х.У.Усмонов ва М.А.Асқаровлар пахта целлюлозасини таҳлил қилиб, ацетат толаси ва бошқа полимер моддаларни саноатга татбиқ этишди.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларга бизда мана шундай ноёб тарихий манбалар борлигини таъкидлаб бориш бурчимиздир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деб тамға қўйилган маҳсулот дунёнинг ҳамма томонларида мамнуният билан харид қилинадиган, ортиқча тарғиботга муҳтож бўлмаган маҳсулотга айланишига эришмоғи лозим.

Маълумки газламаларга ишлов бериш технологияси умумий ўрта таълим мактабларида ўтиладиган меҳнат таълими дарсларининг йўналишларидан бири бўлиб, бунда ўқувчиларга газлама материалшунослиги, тикувчилик ишларида ишлатиладиган асбоб-ускуна, механизм ва машиналарнинг тузилиши ҳамда улардан фойдаланиш, газламалардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқ хунармандчилиги бўйича амалий машғулотлар бажарилади. Бундай машғулотларда ҳам юқоридагидек тарихий маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Қуйида газламашуносликка оид машғулотларда айрим тарихий материаллардан фойдаланиш ҳақида тавсияларни келтирамиз.

Меҳнат таълими дарсларида тўқимачилик хунармандчилиги тарихига оид материаллардан фойдаланиш. XX аср боши Туркистон халқлари иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-маънавий ҳаётида катта ўзгаришлар даври сифатида намоён бўлди. Шу жумладан мамлакат аҳолисини асосий маҳсулотлар билан таъминловчи хунармандчилик тармоғи ҳам

(масалан, чизма, технологик карта, расм ва шу каби ишларни) ўқувчилар уйда мустақил ҳолда бажаришларига тўғри келади. Намуна сифатида ўқувчиларга 6-расмда тасвирланган электромагнитли реленинг конструкцияси, яъни тузилиши ва уни ишлаш принципи тушунтирилади.



7-расм. Реленинг туташтирувчи механизми: 1-якорь; 2-контакт пластинаси; 3-парчин; 4-якорь чангаги; 5-парчин; 6-парчин; 7-устки кронштейн; 8-чеклагич; 9-пружина; 10-остки кронштейн; 11-парчин; 12-винт; 13-гайка; 14-винт; 15-Z симон стойка; 16-винт; 17-стойка чангаки.

Ўқувчи уни синчиклаб ўрганиши, зарур бўлса, тайёрлаши керак. Мазкур электромагнитли реленинг конструкцияси қуйидаги асосий элементлардан ташкил топган: 1-туташтирувчи механизм; 2-электромагнит; 3-контакт стойкаси. Бу элементларнинг ҳар бири ўз навбатида қатор деталлардан иборат. Масалан, 7-расмда реледаги туташтирувчи механизмнинг тузилиши тасвирланган. Реленинг деталларини тайёрлашда уларнинг ўлчамларини қўйиш ўқитувчи ва

ўқувчилар ихтиёрига ҳавола қилинади.

Ўқитувчи юқоридаги мавзуни ўқувчилар онгига сингирганидан сўнг, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларни беради. Савол-жавобдан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга реленинг қисмларини ажратишни топшириқ қилиб беради. Ўқувчилар олган билимларига таянган ҳолда релени қисмларга ажратади ва қайта тиклайди.

III. Яқунлаш. Ўтилган мавзуни мустаҳамлаш учун қуйидаги топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

1. Электромагнит реле тўғрисида умумий маълумот беринг.
2. Электромагнит реленинг схемасини чизиб беринг.
3. Реленинг туташтирувчи элементини тасвирлаб беринг.
4. Электромагнит релелар қаерларда ва нима мақсадларда қўлланилади?

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ишини кўриб, жавобларини эшитиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гапириб ўтади. Дарс якунида ўқувчиларни баҳолайди. Уйга вазифа сифатида дазмолнинг иссиқлик релесининг электр схемасини чизиб келиш топшириқ қилиб берилади.

Шу билан дарс яқунланади. Навбатчи ўқувчилар хонани тартибга келтиради.

3-мавзу: ЭЛЕКТР ҚЎНҒИРОҚ ТУЗИЛИШИ ВА ИШ ПРИНЦИПИ

Мақсад: а) таълимий – ўқувчиларга электр қўнғироқ, унинг тузилиши, ишлаш принципи ва қўлланилиши тўғрисида умумий маълумот бериш;

б) тарбиявий – ўқувчиларни электр токидан тежамли ва унумли фойдаланишга ўргатиш; в) ривожлантирувчи – электр қўнғироқ ва у қўлланиладиган соҳаларини билиб олиш.

Жиҳоз: электр қўнғироқ намунаси, расмлари, чизмалари, турли элементлар.

Дарс усули: баён қилиш ва кўргазмалар усуллар.

Дарс тури: амалий дарс. **Дарс тип:** янги билимлар бериш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Амалий машғулот.

А. Ўтилган мавзулар бўйича сўраш, савол-жавоб ўтказиш.

Б. Назарий тушунча ва кириш йўриқномаси бериш.

Юқоридаги электромагнит ва электромагнитли реле ўрганилган мавзулардаги каби электр

Жиҳоз: расмлар, чизмалар, электромагнит реле намунаси, турли элементлар.

Дарс усули: баён қилиш ва кўргазмали усуллар.

Дарс тури: амалий дарс. **Дарс тип:** янги билимлар бериш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Амалий машғулот.


A. Ўтилган мавзулар бўйича сўраш, савол-жавоб ўтказиш.

B. Назарий тушунча ва кириш йўриқномаси бериш.

Ўтган машғулотида электромагнитнинг тузилиши, ишлаш принципи ва вазифасини ўргандик. Ундан турли қурилмаларда жуда кенг фойдаланилади. Бугунги машғулотида эса электромагнит реле, унинг тузилиши ва ишлатилиши билан танишамиз. Электромагнит реле ишлаб чиқариш ва техниканинг турли соҳаларида қўлланиладиган асбоблар, автоматик қурилма ва бошқа жиҳозларда кенг ишлатилади.


Электромагнитли реле – кучсиз ток орқали катта қувватли токни масофадан бошқариш учун хизмат қиладиган қурилмадир. Электромагнит реле ҳозирги замон техникасида, айниқса, автоматик қурилмаларда кенг қўлланилмоқда.

Электромагнитли реле ёрдамида электр электродвигателнинг ишини бошқариш схемасини кўриб чиқамиз (4-расм).



4-расм. Электромагнитли реле

Реленинг асосий қисми электромагнит 1 бўлиб, унинг чўлғами бошқарувчи занжирга уланган. Қалит (включатель) 2 уланса, электромагнит чўлғамидан (одатда кучсиз) ток ўтади. Бунда якорь 4 электромагнитнинг ўзагига тортилади ва иш занжирининг контактлари 5 туташади.




5-расм

Занжирга катта қувватли токнинг истеъмолчилари уланган. Одатда иш занжири алоҳида ток манбаига эга бўлади. Бошқарувчи занжир узилса, пружина 3 якорни орқага тортади ва иш занжиридаги токни узиб қўяди. Техникада қўлланиладиган айрим релелар фақат иш занжирини кетма-кет улаш ва узиш учун хизмат қилади, бошқалари эса бир иш занжирини улайди ва айни вақтда бошқасини узади. Вақт релелари ҳам мавжуд бўлиб, улар олдиндан белгиланган вақт ўтгач, иш занжирини улайди ёки узиб қўяди. Кўп қурилмаларда

реленинг бошқарувчи занжири автоматик равишда, одамнинг бевосита иштирокисиз уланади ва узилади. Реленинг алмашилиб уланиши бошқарувчи занжирда ток кучининг ўзгариши билан турли физик катталикларни (ҳарорат, босим, модданинг зичлиги, буюмларнинг ёритилганлиги ва б.) ҳам аниқлашга, шу билан бирга уларнинг қийматларини ўзгартиришга ҳам хизмат қилади. Мисол тариқасида ёнғиндан хабар берувчи автоматик сигнализациянинг схемасини кўрамиз (5-расм).

Релени бошқарувчи занжирга ярим ўтказгичли приборлар - T₁, T₂, T₃, T₄ термисторлари уланган. Ҳарорат ортса, уларнинг қаршилиги кескин камаяди. Агар хонанинг ҳарорати 80-100°C га занжирдаги токнинг кучи кўтарилса, реленинг якори автоматик сигнализация қурилмаси ўзакка тортилади ва иш занжирини улайди. Бу занжирга электр қўнғироғи уланган бўлиб, у хавфдан дарак беради.

B. Ўқувчиларга мана шу ва кейинги машғулотларда электромагнитли реленинг турларидан бирининг конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг чизмасини тузиш, деталларини тайёрлаш ва йиғиш тавсия қилинади. Бу ишнинг ҳажми анча катталиги учун унинг бир қисмини



6-расм. Электромагнитли реленинг асосий элементлари

бу хусусиятни ўзида яққол акс эттиради. Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши халқимизнинг асрлар давомида ривожланиб келган бой амалий тажрибаларини ўзида ифода этувчи тармоқ бўлиб, бундай жиҳатларини XX аср бошигача ҳам сақлаб келмоқда эди. Туркистонда ҳунармандчиликнинг йирик масканларидан бири Фарғона водийси бўлиб, XX аср бошида водий аҳолисининг катта қисмини ушбу табақа вакиллари ташкил этган. Жумладан, 1897 йилги расмий маълумотларга кўра Наманганда аҳолининг 64%, Қўқонда 52%, Марғилонда 50% ни ҳунармандлар ташкил этиши бу фикримизни тасдиқлайди.

Водийда ҳунармандчиликнинг металлга ишлов бериш, кулолчилик, мато тўқиш ва бошқа кўпдан-кўп тармоқлари ривож топган бўлиб, бу тармоқлар ўз навбатида яна тор ихтисосликларга бўлинган. Чунончи, металлга ишлов берувчи ҳунармандчилик тармоғининг ичида турли хил буюмлар тайёрлашга ихтисослашган 19 та мустақил соҳалар мавжудлиги маълум. Шунингдек водийда муайян маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган ҳунармандчилик марказлари ҳам вужудга келган бўлиб, Қўқон, Марғилон – турли газламалар, Чуст, Шаҳрихон, Қорасув – металл маҳсулотлар, Риштон, Андижон – кулолчилик буюмлари тайёрлашнинг марказлари бўлиб шаклланган. XX аср бошида ҳам ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида оддий дастгоҳлар сақланиб қолган, қўл меҳнатини кўп талаб қилувчи ишлаб чиқариш муносабатлари устун туриб, маҳсулот асосан уйда ёки дўконда, одатда уста ва унинг шогирди иштирокида тайёрланган.

XX асрда Фарғона водийси ҳунармандчилиги ишлаб чиқариш тараққиёти даражаси ўлкада содир бўлаётган янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли ўзгара борди. Хусусан, водийга кўплаб арзон саноат молларининг кириб келиши маълум ҳунармандчилик тармоқларини таназзулга учрашига олиб келса, муайян ҳунармандчилик тармоқлари маҳсулотларининг четга экспорт қилинишининг ортиши бу тармоқлар ривожини таъминлади. Фарғона водийсида маҳаллий пахтадан ип-мато тўқиш тармоғи азалдан тараққий этиб келган бўлиб, у айниқса Қўқон шаҳрида ривож топган эди. XX аср бошида Қўқонда 500 га яқин тўқимачи ҳунарманд фаолият юритган.

Шаҳар ҳунармандлари томонидан асосан бўз, алача, дона, чит, тўқилган бўлиб, шунингдек шойи, атлас, беқасам каби ипак матолар ҳам тайёрланган. Ҳунарманд бир кунда икки бўлак мато (бўз) тайёрлай олган бўлиб, унинг бир бўлаги 20 тийиндан сотилган. Андижонда ҳам ип-мато тўқиш ишлари ривож топган бўлиб, 1887 йилга нисбатан шаҳарда мато тўқувчи дўконлар миқдори 1913 йилга келиб 2157 тага кўпайганлиги буни тасдиқлайди. Бунга сабаб аввало метрополиядан келтириладиган ип-газламалардан маҳаллий матолар арзон туриб, улар истеъмолини бу жиҳатдан катта бўлишини таъминласа, энг асосийси маҳаллий матолар ўз тўқилиш услуби, нақш элементига кўра халқ дидига, менталитетига яқин бўлиб, уни аҳоли орасида харидориги бўлишини таъминлаган. Лекин тўқимачиликка ёндош ҳунармандчилик тармоғи бўлган бўёқчилик ҳақида бу фикрларни айта олмаймиз. 1897 йилда Андижон шаҳрида 40 та бўёқчилик дўкони бўлган бўлса, 1907 йилга келиб бундай дўконлар сони 29 тага тушиб қолган эди. Бўёқчилик дўконларининг қисқаришига, Россиядан арзон анилини фабрика бўёқларининг келиши ва маҳаллий бўёқларни истеъмолдан чиқа бошлаши билан боғлаш мумкин. Чунки янги шароитдаги бозор муносабатлари, ҳунармандлар аъёналаридан устун чиқиб, ҳунармандларни арзон ва осон ишлов берилувчи, лекин сифатсиз бўёқларни ўз ишида қўллашларига олиб келган. Аммо фабрика маҳсулотларининг ўлка тўқимачилиги тармоқларига таъсири доимо бирдай салбий бўлмади. Хусусан, Фарғона водийсида азалдан ривож топган ипак буюмлар тайёрлаш тармоғи айниқса бу йилларда янада ривожланди. Марғилон бутун Туркистонда ипак буюмлар тайёрлаш маркази бўлиб, Туркистондаги ипак етиштирувчиларнинг ярми шу ерда фаолият юритган. Шаҳарда 2000 дан ортиқ дўконда ипак ва ярим ипак матолар тўқилган (Изоҳ: “дўкон” – маҳаллий матолар тўқиладиган дастгоҳ).

Мустамлакачилик даврида ҳам тармоқнинг ривож топиб бориши Россияда тармоқни ривожлантириш имконининг йўқлиги ва бу экспорт жиҳатидан қимматли маҳсулотни шу минтақанинг ўзида тараққий эттириш заруриятидан келиб чиқиши натижасида эди. Лекин бўёқчилик соҳасидаги ўзгаришлар, яъни фабрика бўёқларини тармоққа жалб этилиши бу тармоқда ҳам маҳсулот сифатининг бузилишига олиб келди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, водийдаги тўқимачилик тармоғи XX аср бошидан ўзгаришлар туфайли таназзулга учрай бошлади. Лекин шунга қарамай, ҳунармандчилик маҳаллий аҳоли хўжалигининг ажралмас қисми сифатида аҳолига зарур маҳсулот етиштириб берувчи муҳим

бир тармоқ бўлиб қолаверди.

Меҳнат дарсларида Фарғона водийси аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир материаллардан фойдаланиш. Кийим-бош муайян ҳалқнинг моддий маданиятининг муҳим қисми сифатида ушбу ҳалқ этногенези ва маданияти тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Кийим-бош бу ҳалқни яшаш тарзи, эстетик диди ва миллий ўзига хосликларини ҳам ифода этиши билан ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Ўрта Осиё, жумладан, Фарғона водийси аҳолисининг кийим-кечаклари кўп асрлик тарихга эга. Чунончи, археологик қазилмалардан топилган қадимий катта деворий расмлар, ҳар хил буюмларга туширилган тасвирлар, ўрта асрдаги китоб миниатюралари аждодларимизнинг ўтмишдаги кийим-кечаклари тўғрисида бой маълумотлар беради. Ўрта асрларга оид миниатюралар ўзбек кийимларининг асосий типи бу даврда шаклланиб улгурганлиги ва бу хусусият кейинги даврларгача сақланганлигини намойиш қилади. Маълумки Ўрта Осиё халқларига хос кийим-кечаклар ҳар бир этноснинг этник белгилари, ҳудудий иқлим шароити, аҳолининг ёш, жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юзага кела борган. **Мазкур кийим-кечаклар тарихини бир мақола доирасида тадқиқ қилишнинг имкони йўқлиги сабабли, биз асосан Фарғона водийси аҳолисининг кийим-бошлари тарихига тўхталиб ўтамиз.**


Маълумки бош кийими аҳоли кийим-кечагининг муҳим элементи сифатида ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, уни ўрганиш бизга қизиқарли маълумотларни олиш имконини беради. Қадимдан Фарғона водийси аҳолиси орасида турли кўринишлардаги бош кийимлардан фойдаланилганлиги маълум. Жумладан, уларнинг дастлабки турлари тўғрисида археологик изланишлар бизга маълумот беради. Чунончи, XX асрнинг сўнги ўн йиллигида шимолий Фарғонанинг Мунчоқтепа манзилгоҳида олиб борилган изланишлар фарғоналикларнинг V-VIII асрлардаги турмуш тарзи, энг асосийси, ислом динига қадар бўлган бош кийимлари тўғрисида муҳим маълумотлар беради. Тўқимачилик асбоблари, урчуқлар ҳам бу соҳада муҳим ўринга эга. Мунчоқтепа қабрларидаги катталар ва болалар жасадларининг пешонасида узунлиги 40 см, эни 4-6 см пешонабандлар боғланган. Шунга ўхшаш ленталар кенгкўл мозорларида ва водийнинг биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига доир мозорларида ҳам учрайди. Элшунослар фикрича пешонабандлар маҳаллий аҳолининг қадимий бош кийимларидан бўлиб, ундан одатда аҳолининг ёш қизлари ва келинлари бош кийим сифатида фойдаланган.

Фарғона водийси аҳолиси орасида энг кўп тарқалган қадимий бош кийими бу шубҳасиз дўппи бўлиб, дўппининг қадимдан эрон ва туркий халқлар орасида кенг тарқалганлиги маълум. Дўппи бош кийими тарихини ўрганиш ҳам бизга кўплаб қизиқ, янги тарихий маълумотлар олиш имконини беради. Дўппининг илк кўринишларини ҳозир аниқлаш қийин, албатта. Лекин унинг ўрта асрлардаги кўриниши юқори қисми мурабба кўринишдаги баланд бўлганлиги, XX аср бошига келиб дўппининг юқори қисми текис кўриниш ола бошлаганлигини айтиш мумкин. Бу даврда дўппи Туркистон халқлари орасида (айниқса Ўзбекистон ва Тожикистонда) миллий бош кийим турига айланиб бўлган эди.

Ўзбек дўппилари тайёрланган жойи, шакли, безагига кўра фарқланади. Бу фарқлар дўппининг тепа (айлана ва тўртбурчак шаклда бичилади), кизак (гардиши) ва жияк (гардиш безаги) қисмларининг ўзига хослигида сезилади. Ўзбекистонда водийнинг Чуст, Андижон, Марғилон, Қўқон нусха дўппилари машҳурдир. Чуст дўпписи энг кенг тарқалган дўппи нусхаси бўлиб, у тўқ яшил шойи ёки сатиндан 4 карж қилиб тайёрланади: тепасининг ҳар бир каржида қалампир нусха ёки бодом шакли, кизагининг ҳар бир каржида тўрттадан меҳроб (ярим доира) шакли билан сидирға қоплаб оқ ип (ёки ипак)да тикилади. Бундаги қалампир, бодом шакли «кўздан асровчи» маъносига эга шакллар ҳисобланади. Тайёр дўппининг тепаси кизагидан мурабба шаклида бўртиб чиқади (бошқа дўппиларнинг тепаси ярим доира шаклида бўлади). Шакли кўп жиҳатдан Чуст дўпписига ўхшаш бўлган Марғилон дўпписи гуллари нисбатан ингичка ва узун қалампир шаклининг сидирға қопламаси билан фарқ қилади. Бу дўппиларни киши бир қарашда конус шаклидаги Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз дўппиларидан ажрата олган. Чунки ўтмишда ҳар бир этник гуруҳнинг кийим-бош аънаналари қатъий сақланган. Шунга кўра кишининг дўпписига қараб у қайси ҳудуддан ташриф буюрганлигини айтиш мумкин бўлган. Дўппилар юқорида айтилгандек шакли, ишлатилган ранглари ва нақшларига кўра фарқланган. Лекин кейинги даврларда дўппиларнинг турли локал этник аънаналарни сақлаб келган турлари камая бошлади. Кейинги даврларга келиб эса дўппи кийиш одати, унга бўлган эътибор халқимиз вакиллари

ўралади, уни электромагнит чўлғами 2 деб аталади. Электромагнитлар вазифасига кўра чўлғамдаги ўрамалар сони турлича бўлиб, диаметри ҳар хил бўлган симлардан тайёрланади.

Чўлғамнинг изоляциясини механик шикастланишдан сақлаш учун уни бир неча қават изоляция қоғози ёки бошқа изоляция ашёси 3 билан қопланади. Чўлғамнинг учини ва охирини ташқарига чиқариб, каркасга маҳкамланган чиқариш қисқичлари 4 ёки охирида учлиги бор эгилувчан симларга бириктирилади. Электромагнит ғалтаги ўзак 5 га кийдирилади; б) ўзак ашёси сифатида бўшатилган пўлат ёки темирнинг кремний ва никель билан қотишмасидан фойдаланилади. Ўзақлар кўпинча бир-биридан изоляцияланган, алоҳида юққа пластина 6 лардан тайёрланади.



2-расм

Электромагнитнинг ишлаш принципи қуйидагича: чўлғамдан электр токи ўтаётганда унинг атрофида жанубий ва шимолий магнит кутбларини ўзига хос йўсинда ифодаладиган магнит майдони ҳосил бўлади. Ғалтак тешигига ўрнатилган ўзак ҳисобига чўлғамдан ўтаётган ток кучининг ортиши билан электромагнитнинг магнит майдони кучаяди, натижада электромагнитнинг тортиш кучи ортади. Электромагнитнинг тортиш кучи чўлғам ўрамларининг сонига боғлиқ; чўлғам ўрамларининг сони қанчалик кўп бўлса, мазкур токда электромагнитнинг тортиш кучи шунча кўп бўлади. Электромагнитнинг тортиш кучи ўзак тайёрланган пўлатнинг магнит хоссаларига ва электромагнит ўзагининг шаклига ҳам боғлиқ бўлади. Чўлғам ўрамларининг сони ва ўтаётган ток кучи бир хил иккита электромагнитдан

зирҳли электромагнитнинг тортиш кучи кўп бўлади. Бунинг сабаби зирҳли электромагнитнинг магнит майдони теварак-атрофга тарқалиб кетмаслиги, балки қўнғироқсимон ўзакка тўпланиши ва магнитнинг куч чизиқлари ўзакка энг қисқа йўл билан йиғилишидир. Электромагнитлар техникада кўтарма кранларда, электродвигателларда, электр қўнғироқларида, телефон, телеграф, турли автомат қурилмалар, реле ва ҳоказоларда қўлланилади.

В. Ўқитувчи ўқувчилар кўз ўнгида оддий буюмлардан, масалан, мис сим, мих, машина ипи ғалтагидан оддий электромагнит моделини ясаб кўрсатади. Уни ток манбасига улаб, майда металл парчаларини ўзига тортиб олишини намойиш этади. Унинг қисмларини ҳақиқий электромагнит қисмлари билан таққослайди. Сўнгра ўқувчиларга бу ишни такрорлашни таклиф қилади.

III. Яқунлаш. Дарс якунида ўқувчиларга мавзуга оид қуйидаги савол ва топшириқлар берилади:

1. Электромагнитнинг ишлаш принципи нимадан иборат?
2. Электромагнит қандай қисмлардан иборат?
3. Зирҳли электромагнитнинг тузилишини айтиб беринг.
4. Электромагнит қаерларда ва нима мақсадда ишлатилишини гапириб беринг.

Шунингдек, мустаҳамлаш сифатида ўқувчиларнинг ўзлари оддий буюмлардан энг содда кўринишдаги электромагнит қурилмасини ясашлари ва уни синаб кўришлари мумкин.



Дарс якунида ўқитувчи ўқувчиларнинг бажарган ишларига, берган жавобларига баҳо қўяди, ютуқларини ва хато-камчиликларини кўрсатади. Уйга вазифа қилиб, электромагнитларни қўллаш соҳалари ҳақида маълумот тўплаб келишни топшириш мумкин.

Шу билан дарс яқунланади. Навбатчи ўқувчилар хонани тартибга келтиради.

2- мавзу: ЭЛЕКТРОМАГНИТ РЕЛЕ

Мақсад: а) таълимий – ўқувчиларга электромагнит реле, унинг тузилиши ва ишлаши тўғрисида умумий маълумот бериш; б) тарбиявий – ўқувчиларни электр токидан тежамли ва унумли фойдаланишга ўргатиш;

в) ривожлантирувчи – ўқувчиларга электромагнит реле ва у қўлланиладиган соҳаларни ўргатиш.



3-расм

матоларнинг икки юздан ортиқ тури ишлаб чиқарилар, айниқса, барги карам, чақирим, яхудий нусха, намозшомгул, шахмат, қора кўзим турлари харидоргир эди. Марғилон атласчилари ўз касб-хунарлари сирларини бошқаларга ҳам сидқидилдан ўргатиб, Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарларида, қўшни Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида шоҳи тўқиш корхоналарини ишга туширилишида бош-қош бўлдилар.

Атлас кўҳна Марғилон ва марғилонлик косиблар, тўқувчи-усталар, инженер ва технологларга жаҳонаро улкан шон-шухрат келтирди. Канаданинг Монреал шаҳрида 1967 йилда ҳамда собиқ Югославиянинг Загреб шаҳрида 1978 йилда ўтказилган халқаро кўргазмаларда Марғилон атласи олтин медаллар билан тақдирланди. Тошкент моделлар уйи модельер-дизайнерлари хонатласдан тиккан либослар нусхаларига Япониянинг Осака шаҳрида (1970 й.), Венгриянинг Будапешт шаҳрида (1987 й.), Ироқнинг Бағдод шаҳрида (1988 й.), Хиндистоннинг Деҳли шаҳрида (1989), АҚШнинг Вашингтон (1998) ва Чикаго (1999 й.) шаҳарларида ўтказилган нуфузли халқаро танловларда юсак баҳолар берилди. Мустақиллик шоҳи тўқиш санъатини янги босқичга кўтармоқда, демак, асрий анъаналар давом этади.

7-СИНФДА МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ДАРСЛАРИДА ЭЛЕКТРОТЕХНИК ИШЛАРНИ ЎРГАНИШ

7-синфда ҳам меҳнат таълими ўқув фанидан ёғочларга ишлов бериш технологияси йўналиши ўқув дастурида электротехника ишлари бўлимини ўрганиш учун 6 соат вақт ажратилган бўлиб, бунда “Электромагнит тузилиши” (2 соат), “Электромагнит реле” (2 соат), “Электр қўнғироқ тузилиши ва иш принципи” (2 соат) мавзуларини ўтиш режалаштирилган. Қуйида шу мавзуларга оид намунавий дарс ишланмаларини келтирамиз.

1-мавзу: ЭЛЕКТРОМАГНИТ ТУЗИЛИШИ

Мақсад: а) таълимий - ўқувчиларга электромагнит, унинг тузилиши ва қўлланилиши тўғрисида умумий маълумот бериш, электромагнитни ишлаш принципини ўргатиш; б) тарбиявий – ўқувчиларни электр токини исроф қилмасликка, тежамкорликка ва эҳтиёткорликка ўргатиш; в) ривожлантирувчи - ўқувчиларнинг электромагнит ва уни қўллаш соҳалари ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Жиҳоз: электромагнит тузилиши тасвирланган расмлар, чизмалар, электромагнит намунаси, турли элементлар.

Дарс усули: баён қилиш ва кўргазмали усуллар.

Дарс тури: амалий дарс. **Дарс типи:** янги билимлар бериш, меҳнат кўникмаларини шакллантириш.

Дарснинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Амалий машғулот.


А. Ўтилган мавзулар бўйича сўраш, савол-жавоб ўтказиш.

Б. Назарий тушунча ва кириш йўриқномаси бериш.

Электромагнит қуйидаги тузилишга эга: изоляцияланган симдан тайёрланган ва ичига

юмшоқ ўзак жойланган ғалтак электромагнит деб аталади.

Электромагнитларнинг шакли ва ўлчамлари ҳар хил, лекин ҳаммасининг тузилиши бир хилдир. Электромагнитнинг ғалтаги каркасдан иборат бўлиб, асосан электрокартон (прессшпан) ёки фибрдан тайёрланади ва электромагнитнинг вазифасига қараб турли шаклда бўлади. 1-расмда электромагнитнинг тузилиши кўрсатилган: а) каркас 1га изоляцияланган мис сим (ПЭ, ПЭЛ, ПЭЛШО, ПБД) дан бир неча қават



1-расм. Элетромагнит

орасида тобора камайиб бормоқда. Ҳозирги даврга келиб эса дўппиларнинг анъанавий турлари ўрнига, янги турларини кийиш, хусусан кексалар, ўрта ёшлилар, ёшлар, болалар орасида усти текис, беази айлана, машина чок берилган, оқ ёки қора рангли ип матодан тайёрланган дўппи турларини кийиш кенг тарқалмоқда. Тарихий манбалар Фарғона водийсида аввал ҳам оқ дўппилар баъзан кийилганлигини ва у сўфи дўппи дейилганлигини кўрсатмоқда. Дўппилар қадимдан эркаклар кийим-бошининг энг тантанавор, азиз қисми бўлиб уни тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Халқда азиз меҳмонга, яқин кишисига унга соғлиқ, омад ва бахт тилаб дўппи тақдим этиш анъанаси бўлган. Ёш қизлар ўз бўлажак умр йўлдошига атаб махсус дўппилар тикканлар.

Фарғона водийси аҳолиси бош-кийимлари сирасига салла ўраш ҳам киради. Салла бу оқ бўз матодан бошга ўраладиган бош кийими бўлиб, ислом динига эътиқод қилувчи халқимиз орасида кенг тарқалган. Лекин тарихий маълумотлар бу каби матодан бошқа ўралувчи бош кийимлари жуда қадимда ҳам бўлганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Кушонлар даври терракото ҳайкалчалари тасвиридаги бош кийимлар буни тасдиқлайди. Тарихшунос В.А.Мешкерис Кушон тош ҳайкалчаларидаги аёлларнинг салласимон бош кийимлари ўлкамизга қадимда шимолий-ғарбий Ҳиндистондан (гандхара ҳайкалтарошлиги) кириб келган деб ҳисоблайди. Саллани аҳолининг барча табақа вакиллари ўрасада, улар ранги, ўралиш шаклига кўра кишининг жамиятда тутган ўрнига кўра фарқланган. Хусусан, руҳонийлар катта, кўп боғламли саллалар ўраганлар. Салла ўраш иши мўътабар ва масъулиятли иш бўлиб, бадавлат хонадонларда саллаларни катта ҳажмда ва чиройли қилиб ўрайдиган махсус кишилар тоифаси хизматда бўлган.

Хуллас, Фарғона водийси аҳолиси бош кийимлари узоқ тарихий ўтмишга эга бўлиб, доимо ривожланиб келган. Унинг хилма-хил турлари ичида дўппи алоҳида ўринга эга. Водий бош кийимлари тарихини чуқур ўрганиш эса ўтмишдаги бой анъаналаримизни қайта жонлаштириш ва унинг негизида ёш авлодни баркамол инсонлар сифатида тарбиялаш имконини беради. Зеро, ўз анъаналарини яхши биладиган, ундан руҳий қувват оладиган авлод бой тажрибага таянади ва келажакка ҳам дадил қадам ташлай олади.

Меҳнат таълими дарсларида XIX аср охири XX аср бошларида Фарғона водийсида мавжуд бўлган айрим хунармандчилик ишлаб чиқариш тарихига доир материаллардан фойдаланиш. Амалий санъат, хунармандчилик соҳаси ҳақида гап кетганда, албатта, барчамизнинг кўз ўнгимизда моҳирлик билан ясалган, дид билан безатилган ажойиб санъат намуналари мужассамланади. Хунармандчилик қадимий соҳалардан бири бўлиб, у кўп йиллик тарихга эга. Бу соҳанинг Фарғона водийсига кириб келиши узоқ вақтга бориб тақалади. Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Андижон кўп асрлар давомида водийнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида салмоқли ўринни эгаллаб келган. Шу давр давомида бу ерда хунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топди. Андижон ушбу соҳанинг ривожланиши учун ҳар томонлама қулай шаҳар эди. Айнан мана шу ҳақда 1813-1814 йилларда Андижон шаҳрида бўлган рус элчиларидан бири Ф.Назаров шундай ёзган эди: “Андижон Қашқар билан чегарадош, атрофи қишлоқлар билан ўралган, ҳар хил мевалар мўл-кўл, аҳолиси ипак қурти боқиш ва кўпайтириш билан ҳамда ип газламалари ишлаб чиқариш ва деҳқончилик билан шуғулланади”.

1876 йилга келиб Андижонда фақат шойи тайёрлайдиган 39 та хўжалик бўлиб, уларнинг ҳар бирида учтадан бештагача хунарманд фаолият юритган. Айни шу йили шаҳарда қўйчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сони 50 тани, совун ишлаб чиқарадиган 18 тани, шам тайёрлайдиганлар 8 тани, сопол қувур ишлаб чиқарадиганлар 25 тани, гишт ишлаб чиқарадиганлар 6 тани, чўян эритиш билан шуғулланадиган хўжаликлар 18 тани ташкил этар эди. Шу билан бирга шаҳарда тегирмон, мойжувоз, обжувоз сингари аҳоли эҳтиёжини қондирувчи қурилмалар ҳам мавжуд бўлган. Бундан ташқари шаҳарда 1220 та уста-хунармандлар турли хил соҳаларда фаолиятини олиб борган. 1882 йилда Андижон шаҳрида турли хунармандчилик корхоналари эгалари 343 тани, уларда ишловчи ишчиларнинг сони 718 тани ва йиллик ишлаб чиқариш қиймати 86850 сўмни ташкил этган эди. Булар асосан заргарлик, мисгарлик, тикувчилик, этикдўзлик каби бир қатор хунармандчилик корхоналари эди. Бундан ташқари Андижонда кундалик турмуш учун зарур бўлган ҳар хил маҳсулотларни етказиб берувчи бир қатор хунармандчилик корхоналари ҳам мавжуд эди. 1882 йилга оид бўлган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай хунармандчилик корхоналарининг умумий сони 701 та бўлиб, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари 67540 сўмни ташкил этган. Андижон уезида

қишлоқ хўжалигини ва айниқса, унинг муҳим тармоғи ҳисобланган пахтачиликнинг ривожланиши оқибатида хунармандчилик корхоналари маҳсулотига бўлган талаб кескин ортиб борди. Чунки хунармандлар деҳқонлар учун меҳнат қуроллари ва бошқа маҳсулотларни етказиб берар эдилар. Натижада хунармандчилик корхоналари ва уларда ишловчилар сони тобора ортиб борган. Чунончи, 1883 йилда Андижон уездида 778 та хунармандчилик корхонасида 1272 ишчи ишлаб 86090 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши оқибатида вужудга келган шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шаҳар хунармандлари олдида алоҳида талаблар қўя бошлади. Натижада улар ўзларининг имкониятларини ишга сола бошладилар ҳамда олдинги даврларга нисбатан ишлаб чиқариш техника воситаларини такомиллаштириб бордилар. Оқибатда хунармандчилик корхоналари кўпайиб борди. Агар 1884 йилда хунармандчилик корхоналарининг умумий сони (шаҳар билан уезд биргаликда) 827 та бўлиб, уларда ишловчилар 1176 нафарни, ишлаб чиқарилган нарсалар қиймати 98089 сўмни ташкил этган бўлса, 1885 йилга келиб уларнинг умумий сони 857 тани, ишловчилар 1266 нафарни, ишлаб чиқарилган маҳсулот эса 102104 сўмни ташкил этган. Ёки фақат бир йилнинг ўзидагина хунармандчилик корхоналари сони 30 тага, уларда ишловчилар сони 90 нафарга, ишлаб чиқарган маҳсулот қиймати эса 4015 сўмга ошган.

1885 йилга келиб шаҳарда этикдўзлик, мисгарлик, тикувчилик каби хунармандчилик тармоқлари асосий ўринни эгаллади. Масалан, шу йили фақат этикдўзлик корхоналари 250 тани, уларда ишловчилар 830 нафарни ва йиллик ишлаб чиқариш қиймати бошқаларга нисбатан катта суммани – 210000 сўмни ташкил этган. Этикдўзликдан кейин эса мисгарлик турган. Уларнинг сони 22 тани, уларда ишловчилар 52 нафарни, ишлаб чиқариш қиймати эса 7180 сўмни ташкил этган.

Ўрта Осиё шаҳарларига, жумладан Андижонга Россиядан айрим истеъмол моллари ва буюмларининг келтирилиши хунармандчиликнинг айрим тармоқларига, масалан, газлама тўқиш, кулолчилик ва совунгарликка салбий таъсир кўрсатди. Агар 1900 йилда Андижон уездида 52 та кўнчилик корхоналари бўлиб, улардаги уста ва ишловчилар сони 156 кишини, йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати 12100 сўмни ташкил қилган бўлса, 1905 йилга келиб уларнинг сони 9 тагача, улардаги уста ва ишловчилар сони 88 тагача, йиллик даромади эса 10128 сўмгача қисқарди. Шунингдек, 1900 йилда кулолчилик корхоналарининг умумий сони 50 та бўлиб, уларда ишловчи кишилар сони 150 кишини, йиллик даромади 11020 сўмни ташкил этган бўлса, 1906 йилга келиб уларнинг сони 16 тага, ишловчилар сони 43 тага ва йиллик даромади 5012 сўмгача қисқарди. Шу йили совунгарлик корхоналари 34 тани, уларда ишловчи ишчилар сони 92 кишини, йиллик даромади 20000 сўмни ташкил этган бўлса, 1906 йилга келиб уларнинг сони 10 тага, ишловчилар сони 17 тага ва йиллик даромади 5745 сўмгача қисқарди. Маълумки маҳаллий аҳолининг деярли ҳаммаси маҳаллий тикувчилар томонидан тайёрланган газламалардан кийим-кечак тиктириб кийганлар. Чунки улар аҳолининг қадимдан асосланган ва давом этиб келаётган турмуш талабларини қондирар эди. Андижонда тўқимачилик ва у билан боғлиқ бўлган ёрдамчи соҳалар ҳам ривожланган. Андижон хунармандлари тайёрлаган маҳсулотлар Тошкент, Петербург ва бошқа шаҳарларда ташкил этилган кўргазмаларда ҳам зўр қизиқиш билан намоиш этилди. Чунончи, 1890 йилнинг 30 августида Тошкентда ўтказилган қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмасида Самарқанд, Хўжанд, Қўқон, Марғилон шаҳарлари билан бир қаторда Андижон хунармандлари тайёрлаган турли-туман маҳсулотлар ҳам жой олган эди. Ҳатто Андижон хунармандлари тайёрлаган пойабзал ва эгар-жабдуғлар Сирдарё ва Еттисув вилоятлари, Зарафшон округи ва ҳатто Қашқарга ҳам чиқариб сотилган. Андижонда хунармандчиликнинг юқорида келтирилган тармоқлари билан бир қаторда гилам тўқиш ҳам ривожланган. Бадавлат кишилар гилам учун етарли миқдордаги юнг ва бошқа материалларни тайёрлаганларидан сўнг, гилам тўқиш учун гиламчиларни таклиф қилишган. Бундай ҳолатда “гилам”чи гилам тўқиш учун ўз шогирдлари билан келарди. Ёрдамчи ишчиларнинг миқдори одатда тўқилиши керак бўлган гиламнинг ҳажмига боғлиқ бўлган. Чунки ҳар бир ёрдамчи ишчига аршин оралик тўғри келиши зарур бўлган. Лекин гилам тўқувчиларнинг иш ҳақи жуда оз эди. Гиламчиларга бир кунда 15-20 тийиндан ҳақ тўланган. 2-3 ой меҳнат сарф қилиб тўқилган ва 5х3 аршин келадиған соф юнгдан тайёрланган гиламни 40 сўмга сотиб олиш мумкин бўлган. 1896 йил маълумотларига кўра, Андижон шаҳрида хунармандчилик корхоналарида ишловчиларга бир йилда 130 сўм,

нонвойхоналарда ёлланиб ишловчиларга бир кунда 40 тийин, доимий ишловчиларга эса 50 тийиндан ҳақ тўланган. Аравасоз усталар эса йил давомида 100 сўмга яқин иш ҳақи олган. Агар арава учун материалларни буюртмачи ўзи олиб келса, унда уста ҳар бир арава учун 10 сўм иш ҳақи олган. Материалларни ўз ёнидан сарф қилиб тайёрлаган арава учун эса 25-30 сўм ҳақ олган. Этикдўзлар эса бир йилда 100 сўм атрофида даромад қилган.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охири XX аср бошларида хунармандчиликда олдинги даврларга нисбатан ўсиш кўзга ташланди. Кўп хунармандчилик корхоналарида уста ва унинг оила аъзолари ишларди, холос. Хунармандлар орасида ҳали деҳқончиликдан ажралмаган кишилар ҳам мавжуд эди. Бу даврда Андижонда янги типдаги завод ва фабрикаларнинг ташкил бўлишига қарамасдан, хунармандчилик ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ. Хунармандчилик корхоналаридаги ишлаб чиқариш техникасининг оддийлиги ва қолоқлигидан мустасно, хунармандчилик маҳаллий аҳоли хўжалигининг ажралмас қисми ва уларга зарур маҳсулотлар етиштириб берувчи муҳим бир тармоқ бўлиб қолаверади. Бу ҳол хунармандларнинг аҳволини анча оғирлаштирди. Натижада маҳаллий хунармандларнинг ҳам миллий озодлик ҳаракатларига бевосита иштирок этишига сабаб бўлди. Чунончи, 1905 йилда Андижон пахта тозалаш заводларидан иш ташлаш бўлган вақтда, уларни маҳаллий хунармандлар ҳам қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

Бугунги кунга келиб ҳам юртимизда хунармандчиликнинг барча тармоқларига катта эътибор берилмоқда. Хунармандчилик абадий ва боқий соҳа бўлиб, у минг йиллардан сўнг ҳам ўз вазифасини йўқотмайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар «Ўзбекистон тарихи» фани бўйича ўтиладиган машғулотларда, ёшларга шаҳарлар ва касблар тарихи ҳақида тушунча беришда фойдаланиш мумкин.

Меҳнат таълими дарсларида шоҳи тўқиш хунари тарихига доир материаллардан фойдаланиш. Ўзининг муборак икки минг ёшини қарши олган қадим Марғилоннинг таърифу-тавсифлари беҳисоб: уни ҳеч иккиланмай «Азизу-авлиёлар шаҳри», «Санъаткорлар шаҳри», «Хунармандлар шаҳри», «Олиму-фузалолар шаҳри» десак, асло янглишмаймиз. Негаки буларнинг барчасида ҳақиқат мужассамлашгандир. Шу билан бирга мазкур шаҳри қадимнинг, Марғилонсой бўйларида қад ростлаган муаззам тарихий маконнинг яна бир эъзозу ҳурматга лойиқ сифати ҳам борки, буни эслаб ўтмаслик асло мумкин эмас. Гап шундаки, Марғилон – бутун дунёга донғи кетган, ўриши ҳам, арқоғи ҳам табиий ипақдан тўқиладиган, ўриши абр усулида ранг-баранг нақшлар билан безатиладиган бир юзлама майин мато бўлмиш атласнинг ватанидир. Гарчи «атлас» арабча сўз бўлиб, таржимада «туксиз, силлиқ» деган маъноларни бериб, атлас матонинг хусусиятларини акс эттирса-да, бу атласнинг арабий келиб чиқишига эгаллигини билдирмайди. Зеро X асрга оид араб тарихий манбаларида, атоқли маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг «Фарғона тарихи» китобида, академик В.В.Бартольднинг «Туркистон мўғуллар истилоси даврида» номли монографияси ва бошқа кўплаб асарларда «Марғилон» («Маргонон») топоними тилга олинар экан, марғилонликларнинг уста косиб-хунарманд кишилар эканлигига ҳам алоҳида урғу бериб ўтилади. Фикримизча, бу ўринда уларнинг ипақдан ажойиб тарзда товланувчи майин матолар яратганликлари ҳам назарда тутилган.

Тарихчиларнинг яқдиллик билан гувоҳлик беришларича, атлас матосининг дунёга келиши бевосита Марғилон билан чамбарчас боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, Марғилоннинг жаҳонга доврў таратиши кўп жиҳатдан атлас газмолларининг кўҳна савдо-сотик йўллари, карвонлар билан Фарбу-Шарққа тарқалиши, энг нозиктаъб хотин-қизларнинг, айниқса, Машрик аёлларининг суюмли, қадрли, хусни-латофатини ўн чандон оширишга қодир қадриятга айланганлиги билан ҳам боғлиқдир. Айниқса, ўрта асрларда Бағдод ва Қашқар, Хуросон ва Машҳад, Миср ва Юнонистон бозорларида марғилонлик уста косиблар маҳоратидан ял-ял яшнаб турган атласнинг, хусусан, хонатлас, сариқ атлас, қора атлас, саккизтепки атласнинг харидорлари ғоятда кўп бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошларида шаҳарда шойи матолар тўқиш билан юзлаб косиблар машғул бўлган. Шўро тузумининг дастлабки йилларида, «янги иқтисодий сиёсат» даврида улар 4 артелга бирлаштирилган. 1963 йилда ушбу артеллар негизда дастлабки йирик саноат корхонаси – «Атлас» фирмаси ташкил этилиб, атлас матолар асосан механизациялашган усулда ишлаб чиқарила бошланди. 1976 йилда фирма кўп тармоқли ипақчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилди. Ўтган асрларнинг 70-80-йилларида бу ерда сержило атлас